

ПРЕСС-РЕЛИЗ

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, АТ "Алоқабанк" ва Ўзбекистон асаларичилари уюшмаси томонидан "Асал Байрами" ва асаларичилик маҳсулотларининг кўргазма-ярмаркасини ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 октябрдаги "Республикада асаларичиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3327-сонли қарори ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар натижасида асаларичилик соҳаси йилдан йилга ривожланиб ижобий кўрсаткичларга эришиб келинмоқда.

Соҳада эришилган ютуқларни намойиш этиш, асаларичилар ўртасида ўзаро тажриба алмашиш, янги, замонавий технологиялар ҳамда хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини ўргатиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш, аҳолига сифатли асал ҳамда асалари маҳсулотларини арзон нархларда етказиб бериш мақсадида 2021 йилнинг **1-10 декабрь кунлари** Тошкент шаҳридаги "Анҳор-Локомотив" боғи ҳудудида **тўртинчи марта** "Асал байрами" ва асаларичилик маҳсулотлари кўргазма ярмаркаси ўтказилади.

"Асал байрами" ва асаларичилик маҳсулотлари кўргазма ярмаркаси доирасида республикамизнинг барча вилоятларидан 400 дан ортиқ асаларичилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи субъектлар ва соҳанинг 2000 га яқин илғор вакиллари иштирок этиши режалаштирилган.

Ўзбекистон Асаларичилари уюшмаси Президентимизнинг 2017 йил 16 октябрдаги "Республикада асаларичиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3327-сонли қарорига асосан 2018 йилда ташкил этилган бўлиб, қўйидагилар унинг асосий йўналишлари ва вазифалари этиб:

- асаларичилик тармоғини ривожлантиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий базани ишлаб чиқишда иштирок этиш;

- асаларичилик тармоғини ривожлантириш дастурларини амалга оширишни мувофиқлаштириш, ягона илмий-техника, технологик, инвестиция ва экспорт сиёсатини амалга оширишни мувофиқлаштириш;

- асалари касалликларининг олдини олиш, даволаш ва ташхис қўйиш бўйича замонавий ва илғор усулларни жорий этиш ишларига қўмаклашиш;

- олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, шу жумладан хорижий муассасаларда асаричилик тармоғига кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштиришда иштирок этиш;

- асариларнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш;

- асаричилик соҳасида илмий тадқиқот ишларини олиб бориш ва мувофиқлаштириш;

- қишлоқ хўжалик экинлари ва мевали боғларни асарилар билан чанглатиш тадбирларини ташкил этишда асаричилик субъектларига ёрдам кўрсатиш;

- асаричилик маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш билан шуғулланувчи субъектларни қўллаб-қувватлаш;

- асаричилик субъектлари раҳбарлари, уюшманинг ходим ва мутахассисларини соҳага оид билимларини ошириш бўйича, ўқишлар, кўргазма ҳамда семинарларни ташкиллаштириш;

- уюшма аъзолари фаолиятига ва тараққиётига тўсиқ бўлаётган муаммоларни аниқлаш, таҳлил қилиш, уларни бартараф қилиш бўйича ваколатли органларга таклифлар тайёрлаш ҳамда ўз ваколати доирасида тадбирларни амалга ошириш;

- уюшма аъзоларининг иқтисодий ривожланишига, жумладан, асарилар орқали (чанглатиш) агротехника усулини кенг қўллаш, улар томонидан етиштирилаётган, қайта ишланаётган ҳамда экспорт қилинаётган маҳсулотлар, кўрсатилаётган хизматларнинг тури ва сифатини оширишга, ушбу маҳсулотлар ва хизматларнинг истеъмолчиларга тарқатилишига ҳар томонлама кўмаклашиш;

- уюшма аъзоларига маҳсулотларни сотиш, экспорт қилиш, божхона расмийлаштирувлари ва бошқа йўналишларда назарий ва амалий ёрдам бериш;

- уюшма аъзоларининг бошқа хўжалик юритувчи субъектлар билан, жумладан, хорижий ҳамкорлар билан ўзаро иқтисодий алоқалар ўрнатишларида ҳамда ушбу алоқаларнинг ривожланишида кўмаклашиш белгиланган.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳудудий асаричилар уюшмалари ташкил этилган бўлиб, мулкчилик шаклидан қатъий назар барча асаричилик субъектларини

бирлаштириш ва мавжуд муаммоларини ҳал этиш масалаларини мувофиқлаштириб келмоқда.

Ўзбекистон асаларичилар уюшмаси 2018 йилдан буён Апимондия Халқаро асаларичилик уюшмалари федерациясининг аъзоси бўлиб, бу дунё асаларичилик тажрибасида мавжуд тажрибадан фойдаланиш ва республиканинг асаларичилик хўжалигини жадал суръатларда ривожлантириш, илғор давлатлар тажрибасидан фойдаланиш, қишлоқ хўжалигида асаларичилик саноатининг асосий йўналиши - "чанглатиш" агротехникасини қўллаш ҳисобига қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини сезиларли даражада ошириш ва мамлакат озиқ-овқат хавфсизлиги таъминлашда муҳим ҳисса қўшмоқда.

Бугунги кунда соҳани малакали кадрлар билан таъминлаш мақсадида, Тошкент давлат Аграр Университети, Фарғона давлат университети ва Самарқанд ветеринария медицинаси институтларида "асаларичи-зоотехник" мутахассислиги бўйича олий маълумотли кадрлар тайёрлаб келинмоқда.

Илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш ва талабалар алмашиш мақсадида Россия, Исроил ҳамда Украинанинг илмий ва ўқув муассасалари билан горизонтал алоқалар ўрнатилди.

Ўзбекистон асаларичилари уюшмаси ва АТ "Алоқабанк" таъсисчилигида "Алоқализинг" лизинг компанияси ташкил этилди. Тижорат банкларининг кредити ва лизинг компаниянинг ўз маблағлари ҳисобидан лизинг асосида асаларичилик учун зарур ускуналар ва инвентарлар, асалари уялари ишлаб чиқариш технологик линиялари, асал қадоқлаш ускуналарини лизинг асосида етказиб бериш йўлга қўйилди.

Асаларичилик соҳасини тартибга солувчи қўйидаги меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди:

Ўзбекистон Республикасида асалариларни ташиш ва жойлаштириш тартиби - унга мувофиқ асал йиғиш даврида уюшмаларнинг талабига биноан асаларичилик субъектлари - уюшма аъзолари, ўрмон фонди ерларидан, тоғ ва тоғ олди зоналар, табиий яйловлар, шунингдек қишлоқ хўжалиги ерлари, қўриқланадиган табиий ҳудудлардан бепул фойдаланиши белгиланди.

Асалариларни парвариш қилишнинг ветеринария-санитария қоидалари - асаларилар касалликларининг олдини олиш ва даволаш бўйича ветеринария хизматининг талаблари белгиланди.

Ўзбекистон Республикасида асалариларни боқиш ва кўпайтириш тартиби - асалариларга эгалик қилувчи (улардан фойдаланадиган) юридик ва жисмоний шахслар учун асалариларни боқиш, кўпайтириш, сақлаш шароитларига қўйиладиган талаблар, улардан қишлоқ хўжалиги ва энтомофил ўсимликларни чанглантишда фойдаланиш ва асаларичилик маҳсулотлари олиш бўйича тартиб белгиланди.

Органик асаларичилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш қоидалари - Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4477-сонли "2019-2030 йилларда Ўзбекистон Республикасининг яшил иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида" ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Чорвачилик соҳасини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги (2019 йил 18 мартдаги ПҚ-4243-сонли) қарорига мувофиқ, асалариларни қўшни мамлакатларга вақтинча олиб чиқиш ҳисобига йиғилган асални республикаимиз ҳудудига божсиз олиб киришга рухсат берилди.

Ўзбекистон асаларичилар уюшмаси ташаббуси билан **10 мингдан** ортиқ асаларичилар оилалари баҳорги-ёзги даврда Қирғизистон тоғларига вақтинчалик олиб чиқиш режимида олиб чиқилди ва асалариларимиз томонидан қўшимча **520 тонна** тоғ асали имтиёзли асосда олиб кирилди.

"Асални қалбакилаштирганлик учун жазо қўллаш бўйича" Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 178-моддасига тегишли ўзгартириш киритилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотининг (ФАО БМТ) "Асаларичиликни барқарор ривожланишини қўллаб-қувватлаш" лойиҳаси бўйича **350 минг АҚШ доллари** миқдорида грант ажратилди.

Ушбу мааблағлар ҳисобига:

- Республикаимиздаги асаларичи мутахассисларнинг малакасини ошириш учун хорижий давлатлардан олимлар олиб келиш
- асаларичилик бўйича 7 турдаги китоблар нашр этиш;

- қишлоқ хўжалик экинларни кимёвий ишлов бериш вақтида асаларичилик субъектларини мобил алоқа воситалари орқали (онлайн) огоҳлантириш бўйича дастур ишлаб чиқилди;

- асални сифатини таҳлили қиладиган ўқув-лаборатория ускуналарини олиб келиш;

- асаларичиликка оид видео ва ҳужжатли филмлар тайёрлаш ишлари олиб борилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида асаларилар билан чанглатиш агротехникасини жорий этиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Мисол учун, Самарқанд вилоятининг Жомбой ва Булунғур туманларидаги 1,5 минг гектар майдонга экилган мевали боғлар шартнома асосида пул тўлаш ҳисобига асаларилар билан чанглатиш агротехникаси амалга оширилди. Асаларилар билан чанглатиш эвазига мазкур мевали боғнинг ҳосилдорлиги экилган мевали дарахтнинг турига қараб 2 баробардан 5 баробаргача ошди. Жумладан, мазкур боғнинг гилос экилган 90 гектар майдонини чанглатиш учун 80 млн. сўм сарфлаш эвазига 2,0 млн. АҚШ доллари миқдорида кўшимча ҳосил олишга эришилди.

Республикамиздаги кўплаб пахтакорларнинг таъкидлашича, асаларилар пахта далаларига жойлаштирилганида, ғуза гулларининг тўқилиши икки баравар камаяди, кўчатлардаги кўсақлар сони **43% га** ортади, 1 та кўсақдаги пахта толасининг вазни **12,8% га** ва ҳосилдорлик сезиларли даражада ошади.

Наслчилик ишларини такомиллаштириш бўйича режали ишлар олиб борилмоқда, Фарғона вилоятида “Карпат” зоти ва “Карника” зотлари учун ҳимояланган урчитиш пункти ташкил қилинди. 2021 йилда республикада асалариларнинг зотини яхшилаш мақсадида **1 млн. 100 минг дона** она-арилар маҳаллий шароитда асаларичилик хўжаликларида етиштирилди.

2021 йилда **311 минг** донадан ортиқ асалари пакетлари Россия, Қозоғистон, Қирғизистон давлатларига экспорт қилинди. Бу ўтган йилга нисбатан **28 фоизга** кўп бўлди. (2020 йилда **243 минг** дона асалари пакетлари экспорт қилинган).

Сўнгги уч йил ичида мум ва мумни қайта ишлаш цехлари сони 5 тадан 18 тагача кўпайтирилди, бу асосан республика эҳтиёжларини қондиришга имкон беради.

2021 йилда асалари боқиш истагида бўлган **11 мингдан** ортиқ аҳоли хонадонларга **260 млрд. сўм** миқдорида тижорат банкларининг имтиёзли кредит маблағлари ажратиш ҳисобига уларнинг бандлиги ва даромад олиш манбалари шакллантирилди.

Асаларичилик соҳасида амалга оширилган самарали тадбирлар натижасида асаларичилик билан шуғулланаётган субъектларда парвариш қилинаётган асалари оилалари сони **1 млн. 100 мингтага** етказилиб, бу ўтган йилга нисбатан (**907 минг** дона) **21%** га ёки **193 минг** донага ошди.

Бунинг натижасида 2021 йилда **25 минг** тоннадан ортиқ асал етиштирилиб, бу ўтган йилга нисбатан (**21 минг 410** тонна) **17%** га ёки **3минг 600 тоннага** ошди.

Асаларичиликни ривожлантириш бўйича Президентимизнинг қарорида белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши - соҳанинг вертикал бошқарув тизимини ташкил этиш, унинг барқарор ривожланиши, янги иш ўринларини яратиш, асаларичиликни саноат усулига ўтказиш, асаларичилик маданиятини тубдан яхшилаш, илғор технологияларни жорий этиш орқали асал етиштиришни кўпайтириш ва таннархини пасайтириш, республика аҳолисининг сифатли асаларичилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш, экспорт салоҳиятини ошириш имконини беради.

Бугунги кунда ташкил этилаётган "Асал Байрами" ва асаларичилик маҳсулотларининг кўرғазма-ярмаркаси доирасида қуйидаги тадбирлар ўтказилади:

- барча турдаги асал ва асаларичилик маҳсулотларининг кўрғазмаси ва савдоси;

- асаларичилик соҳасида ишлатиладиган ветеринария дори воситалари, инвентарлар ва ускуналар кўрғазмаси;

- илмий ва амалий семинарлар, маҳорат дарслари, асаларичилар ўртасида тажриба алмашиш;

- Асал байрамига қизиқиш билдирган Украина, Россия Федерацияси, Доғисон, Чеченистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Изроил мамлакатларидан ташриф буюрган мутахассислар, олимлар ва асаларичиларининг иштироки таъминланади;

- 13 номинация бўйича танловлар ўтказилади.

Республиканинг турли минтақаларидан келган "Асал Байрами" ва асаларичилик маҳсулотларининг кўргазма-ярмаркасини иштирокчилари учун "Анҳор-локомотив" боғи худудидан махсус павильонлар ажратилган бўлиб, у ерда нафақат маҳсулотни намойиш этиш, балки ўз маҳсулотларини кенг жамоатчилик ва пойтахт меҳмонларига сотиш имкониятига эга бўладилар.

Иштирокчилар ва уларнинг вакиллари 2-9-декабргача бўлиб ўтадиган асаларичиликнинг долзарб масалалари бўйича илмий-амалий семинарларда иштирок этишлари мумкин. Семинарлар очиқ мулоқот тарзида ташкил этилади, маърузалар ва мастер-класслар шаклида олиб борилади.

Илмий ва амалий семинарларда соҳа тadbиркорлари билан бир қаторда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва бошқа идора ҳамда ташкилотлар вакиллари иштирок этадилар.

"Асал байрами" ва кўргазма-ярмарка доирасида ўтказиладиган танловлар қатнашчилари диплом ва эсдалик совғалари, шунингдек махсус сертификатлар билан тақдирланишади.